

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

2-2018  
апрель

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

---

**Х.МУХАММЕДОВА**

Викториан инглиз адабиётида аёл тақдирининг акс эттирилиш..... 73

---

**ТИЛШУНОСЛИК****К.КАРИМОВ**

Маданиятларо мuloқot ва таржима муаммолари..... 76

**У.НОСИРОВА**

Поэтик нутқнинг прагматик хусусиятлари ..... 80

**Н.АХМАДЖОНОВ**

Фразеологизмлар немис халқи миллий маданиятининг кўзгусидир ..... 83

---

**ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ****Т.ЭГАМБЕРДИЕВА, Д.ОХУНОВА**

Талабалар онгида моддий ва маънавий ҳаёт уйғунлигини шакллантириш асослари ..... 86

---

**ИЛМИЙ АХБОРОТ****А.ЎРИНОВ, Ф.ФОЗИЛОВА**

Коэффициенти узилишга эга бўлган оддий дифференциал тенглама учун умумлашган спектрал масала..... 89

**Ш.КАРИМОВ, Л.РАХИМОВА**

Векуа-Эрдей-Лоундес типидаги янги алмаштириш операторларни қуришнинг бир усули ҳақида..... 92

**Х.ШОДМОНОВ, Ш.АКРАМОВ**

Қанд лавлаги – қимматбаҳо техник экин..... 94

**А.ҚАМБАРОВ, А.НУРМУҲАММАДЖОНОВ**

Шайх Акбар (Улуг Шайх)нинг диний-фалсафий меросига бир назар ..... 97

**У.НАЗИРОВ**

Бадий маданият: мазмун-моҳияти, структура ва функциялари..... 100

**А.КОСИМОВ**

XX аср ўзбек ва рус адабиётида тинчлик ва инсон тушунчаси (талқини ва тадқиқотлари)..... 102

**Д.ХУСЕНОВА**

Лев Толстойнинг “Иқрорнома”сида шарқона қарашлар ҳамоҳанглиги ..... 105

**А.МАМАТОВ, Р.АХРОРОВА**

Концептнинг тоифалари..... 108

**К.ХОДЖАХАНОВА**

Мактаб ўқувчиларида натурадан расм ишлашга ўргатишнинг дидактик имкониятлари..... 110

**Б.ҚУРБОНОВА**

Ўқувчи ёшларнинг маънавий дунёқарашини тасвирий санъат орқали тарбиялаш омиллари..... 113

**Н.МЕРГАНОВА**

Хорижий тил дарсларида ноанъанавий методлардан фойдаланишнинг ўзига хос аҳамияти..... 115

**Э.ДЖАББАРОВА**

Модуляр таълим инновацион таълим сифатида ..... 118

**И.ЮЛДАШЕВ, И.ПЎЛАТОВ**

Узлуксиз таълим жараёнида тасвирий санъат дарсларида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш усуллари ..... 121

---

**АДАБИЙ ТАҚВИМ**

Ибратли ҳаёт йўли..... 124

---

**ТАҚРИЗ. БИБЛИОГРАФИЯ**

Библиография..... 127

## УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ТАСВИРИЙ САНЬАТ ДАРСЛАРИДА ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ УСУЛЛАРИ

И.Юлдашев, И.Пўлатов

### Аннотация

Мақолада тасвирий санъат дарсларини ташкилий ва методик жиҳатдан амалга оширишга доир замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш усуллари ҳақида сўз юритилган.

### Аннотация

В данной статье излагаются методы использования современных педагогических технологий, связанных со структурной и методической организацией уроков рисования.

### Annotation

Methods of using modern pedagogic technologies related to structural and methodical implementation of art classes are presented in this article.

**Таянч сўз ва иборалар:** тасвирий санъат, натура, декоратив, композиция, ҳайкалтарошлик, санъатшунослик.

**Ключевые слова и выражения:** изобразительное искусство, натура, декоративный, композиция, скульптура, искусствоведение.

**Keywords and expressions:** fine art, real life, decorative, composition, sculpture, science of art.

Ҳозирда таълим муассасаларида дарс ўтишнинг турли янги лойиҳалари орқали синов тажриба сифатида назарий - амалий дарс ташкил қилиш усуллари қўлланилмоқда. Тасвирий санъатда олиб борилаётган ишларнинг ҳажми ва турлари ҳам ниҳоятда хилма-хиллиги билан бошқа фанлардан кўра қўшимча оддий ва мураккаб жараёнларни рассом педагогдан талаб қилиб туриши билан фарқланади.

Янги замон билан уйғун педагогик фаолият бутун педагогик тизимни сифат жиҳатидан такомиллаштиришда юқори даражадаги натижаларга эришувни кафолатлашга хизмат қиласиган янги ғоялар, жараёнлар, воситалар, усул, услубларнинг яхлит ҳолатдаги ифодаланишидир.

Мамлакатимиз ва дунё таълими тарихидан маълумки, ҳар ўн, ўн беш йил ўтганидан сўнг таълим соҳасида ислоҳотларни амалга ошириш табиий бир ҳолатга айланиб бормоқда. Жумладан, мамлакатимизда 1959 йили мактабнинг ҳаёт билан алоқасини мустаҳкамлаш, 1970 йили ўн йиллик мажбурий ўрта таълимни жорий этиш, 1980 йили ўрта ва касб-хунар таълимини ислоҳ қилиш, 1997 йили Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастурини

тасадиқлаш орқали узлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилишда давлат бош ислоҳотчи сифатида етакчи рол ўйнаб келмоқда. Энг муҳими, амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли узлуксиз таълимнинг барча босқичларида амалга оширилган таълим-тарбиянинг жараёнларига янги педагогик ғоялар, тажрибалар, концепциялар кенг тадбиқ этила бошланди.

Барча босқичлар қаторида тасвирий санъат, амалий санъат, меъморчилик, ҳайкалтарошлик каби санъат намуналарини таълим-тарбия жараёни билан умумлашув жиҳатларини тўғри англаш, тушунтира олиш каби сифатлар бўйича анчагина вазифалар турганини билишимиз шарт.

Педагогика соҳасида қайси бир аниқ ёки табиий фанга нисбатан алоҳида давлат таълим стандарти (ДТС) мезонига тасвирий, амалий санъат меъёрий хужожатлари замон талабидан келиб чиқкан ҳолда қабул қилинган?

Мустақилликнинг дастлабки ииллариданоқ мамлакатимиз таълим тизимида хориж тажрибаларининг шиддат билан кириб келиши, янгича таълим концепциялари (глобал таълим, болаларга дўстона муносабат, эксклюзив таълим,

И.Юлдашев – ФарДУ педагогика кафедраси ўқитувчisi.

И.Пўлатов – ФарДУ тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси ўйналиши 2-босқич талабаси.

педагогик технологиялар ва ҳоказо) ўқитувчилар, методика, педагогика, таълим психологияси мутахассисларида мисли кўрилмаган қизиқиш уйғотгани ҳаммамизга маълум. Таълим соҳасидаги янгиликлар барча ўқитувчиларга бир хил муносабатни вужудга келтира олганича йўқ эди. Кузатишларимиз шуни кўрсатадики, ёш ўқитувчиларда касбий келажаги хақида ташвиш, айrim катта ёшли (нафақа ёшига яқинлашган, нафақа ёшдаги) ўқитувчиларда бефарқлик ҳолатлари намоён бўлаётганини кўриш мумкин.

Педагогикадаги янгилиниш жараёнларини таълим амалиётига тадбиқ этиш маълум даражада мураккаб, кўп қиррали муаммолардан бўлиб, ўзига хос хусусиятларга эга:

- таълим-тарбия жараёнининг барча таркибий қисмларига тааллуқли бўлган ижтимоий тизим. Бунда ўқувчи ва ўқитувчи фаолияти, жараён мақсади, мазмуни, методи, шакли, натижаси, шарт шароитлари, технологиилар ва уни бошқаришга самарали таъсир этади;

- таълим-тарбия амалиётига билвосита, яъни ўқитувчи маҳорати дидактик воситалар, таълим технологиялари орқали кириб келувчи кўп қиррали муаммоларни ҳал этади;

- компьютер ҳамда ахборот коммуникация технологиялари асосида олинган билимларни амалиётга тадбиқ этишлари учун барча ўқитувчиларнинг компьютер саводхонлиги ва ахборот коммуникация технологияларига оид кўникумаларга эга бўлиши талаб этилади.

Юқорида айтиб ўтилган кўрсатмаларга ёндашган ҳолда касбий маҳоратни мустаҳкамлашдан ташқари тасвирий санъат машғулотлари самарадорлигини ошириш, ўқувчиларни фанга қизиқишларини ошириш мақсадида кўйида келтирилган тавсияларга эътибор қаратиш зарур.

Тасвирий санъатни ўқитишида қизиқарли ва сермазмун мавзулар танлаш ўқувчиларнинг тасвирий санъатга бўлган қизиқишларини янада орттиради.

Ҳозирда мактабларда ўқувчилар расм дафлари, бўёқ, қалам, оддий қалам ва ўчиригичдан фойдаланиш билан чегараланиб қолмасдан, замонавий, хориж технологияларидан фойдаланиб, ишлаб чиқарилган бир қанча турдаги бўёқлар,

рангли қаламлар, декоратив безак ишларини ёрқинлик даражасини оширувчи турли чизиш воситаларидан фойдаланмоқдалар. Бундай ашёлар ўқувчиларнинг бадиий фаолиятини фаоллаштиради, санъатга қизиқишларини уйғотади. Маълумки, таълим-тарбия соҳасида педагогик технологиилардан тасвирий санъатни ўқитишида фойдаланиш ва унинг самарадорлигига эришиш учун ҳам ўзига хос дидактик жараённи ўрганиб чиқиши зарур бўлади.

Мактабда тасвирий санъатни ўқитишида педагогик технология масаласи билан ҳозиргача бирор-бир унумлироқ илмий асар ёки методик-дидактик қўлланма чоп этилгани йўқ. Шунинг учун бу борада мулоҳаза юритишида масала кенгроқ ўрганилиб, технология, педагогик технология ва сўнгра, тасвирий санъатни ўқитишида педагогик технологиилардан фойдаланиш масаласи таҳлил қилинишини позим, деб топдик.

Маълумки, тасвирий санъат бўйича дарс машғулотлари беш турдаги машғулот характеристида ёки технологияда амалга оширилади:

1. Натурага қараб расм ишлаш.
2. Тематик композиция устида ишлаш.
3. Декоратив-амалий санъат.
4. Ҳайкалтарошлик ишлари.

5. Санъатшунослик асосларидан ташкил топган машғулотлар турларига асосан олиб борилади.

Бу дарсларнинг технологияси бир мазмунда бўлса-да, улардаги таълим бериш технологияси, албатта, бир-биридан фарқланади. Яъни, нарсани ўзига қараб расм чизиш машғулотларида буюмнинг ўзини кўриб, имкони борича натурадан тасвириланади.

Тематик композицияда эса ўқувчилар ўйлаб-ўйлаб, узоқларга қараб, нималарнидир эсга олиш асосида расм чизадилар.

Ҳайкалтарошларда эса, қалам бўёқ билан эмас, лой ёки пластилин билан, оз бўлса-да, жисмоний меҳнат воситасидаги машғулотлар технологияси машғулотларнинг асоси бўлади. Шунинг учун тасвирий санъат дарсларидаги педагогик технологиилар таърифини келтириш ва уларни “Дарс технологияси”

турларига ажратишда ҳам алоҳида эътибор зарур бўлади.

Мактабда тасвирий санъатни ўқитишида педагогик технологиялардан фойдаланишни умумий ҳолда қандай тушунамиз?

Тасвирий санъатнинг педагогик технологияси – бу, тасвирий санъат ўқитувчисининг ўқувчиларга маълум даражада ва шароитда санъат бўйича билим ва малакасини бериш орқали олдиндан белгиланган мақсадга эришиши ҳамда бу вазифани бажаришини кафолатлай оладиган педагогик жараёндир.

Яъни, ўқитувчининг 45 дақиқалик дарс жараёнида белгиланган, мўлжалланган мақсадга эришиш учун таълим ва тарбия воситаларидан фойдаланишнинг дидактик, методик ва услубий мажмуаси асосида кафолатланган натижаларга эришишини таъминлайдиган педагогик жараён ҳисобланади.

Мактабда тасвирий санъат фанини ўқитишида ҳам педагогик технологиянинг “дарс технологияси”, “ўқитиш технологияси” ва “таълим технологияси” каби кўринишларидан фойдаланилади.

Хулоса қилиб айтганда, умумтаълим мактабларида тасвирий санъат фанини ўқитиш инновацион ёндашув орқали болаларни гўзалликка ошно қилиш, уларда ҳаёт воқеаларини тўғри тушуниш, олижаноб ҳис-туйғуларни ва интилишларни шакллантиришга ёрдам беради. Ёшларда гўзалликни идрок этиши тарбиялаш орқали уларда бошқа кишиларнинг кечинмаларини ҳис эта билиш, кишиларнинг хурсандчиликларига шерик бўлиш, қайғусини баҳам кўриш каби хусусиятлар шакллантирилади.

Халқ педагогикаси эстетиканинг “Гўзаллик - ҳаёт демақдир” қоидасидан келиб чиқиб, ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳаётга, меҳнатга, кишиларнинг турмушдаги муносабатларида гўзалликда иштирок этишларини, уларнинг ҳаётни, санъатни идрок эта билиш қобилиятларини шакллантиришни ўзининг бош вазифаси, деб ҳисоблайди.

Биз мустақиллигимизни асраб, авайлаб, унинг қадрига етадиган, ўз билим ва меҳнатлари билан уни мустаҳкамлаб, мангулек пойдеворини яратадиган баркамол авлод тарбияси ҳақида қайғурар эканмиз, диққат марказимизда ҳамиша ана шундай, соғлом дунёқарашга эга ёшларимиз камол топадиган маънавий мухитни таълим муассасаларида камол топтириш мухим вазифа бўлиб қолиши лозим.

Сўзсиз янги авлод айни шу давр мухитида мавжуд ижтимоий-иқтисодий, маънавий-ахлоқий муносабатлар таъсирида вояга етиб, улғаяди ва ўз дунёқарashi, хатти-ҳаракати ва интилишларида ана шу давр руҳини акс эттиради. Бир сўз билан айтганда, янги авлод тарбиясида давр руҳи мужассам бўлади. Шу боис, маънавий-ахлоқий тарбия объекти ва унга доимий таъсир ўтказувчи обьект ўртасидаги алоқадорлик самарадорлигини таъминловчи мухит соғломлиги охир-оқибатда ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Бинобарин, ёшларимизни чуқур билим, юксак маънавият ва маърифат соҳиблари қилиб тарбиялаш билан биз нафақат маънавий бойликларимиз меросхўрини, балки ана шу бебаҳо бойликни ижодий ривожлантириб, дунё саҳнига олиб чиқадиган илми етук, ақли расо ворисларни ҳам тарбиялаймиз.

### Адабиётлар:

1. Орипов В.Н. Тасвирий санъатни ўқитишининг замонавий педагогик технологияси, дидактикаси ва методикаси. – Т.: Илм-зиё, 2013.
2. Хасанов Р. Тасвирий санъат асослари. – Т., 2009.
3. Ойдинов Н. Ўзбекистон тасвирий санъати тарихидан лавҳалар. – Т., 1997
4. Ойдинов Н. “Рассом ўқитувчилар тайёрлаш муаммолари. – Т.: Ўқитувчи, 1997.
5. Абдурасулов С. Тасвирий санъат ва уни ўқитиш методикаси. – Т., 2011.
6. Зиёмуҳаммедов Б., Ш.Абдуллаев. Илғор педагогик технология. Назария ва амалиёт. – Т., 2011.
7. Ешмуҳаммедов Р.М. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари. ТДПУ, 2004.
8. Хасанов Р. Тасвирий санъат дарслари (5-синф), – Т., 1997.
9. Абдурасулов С. Тасвирий санъат ўқитиш методикасидан амалий машғулотларни бажариш. – Т., 1996.

(Тақризчи: Т.Эгамбердиева, педагогика фанлари доктори, профессор).